

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1212-ҳадис

1212 - وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا دَخَلَ الْعَشْرُ الْأَوَاخِرُ مِنْ رَمَضَانَ أَحْيَا اللَّيْلَ، وَأَيَّقَظَ أَهْلَهُ، وَجَدَّ وَشَدَّ الْمِئْزَرَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 2024، م 1174 وسبق برقم 104].

1212. Яна у киши розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон Рамазон ойининг охирги ўн кунлиги кирса, кечанинг барчасини ухламасдан ўтказардилар. Ва ўз аҳли аёлларини ҳам уйғотиб, жидду-жаҳд қилиб, изорларини маҳкам боғлаб, (ибодатга астойдил шўнғирдилар).

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳадисдаги «изорларини маҳкам боғлаб» деган жумлани икки хил тушуниш мумкин: а) ибодатга бел боғлаш, астойдил киришиш; б) аёллардан четланиш. Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳи бошқа бир ривоятда «ва аёллардан четланардилар», деган ибора алоҳида таъкидланганидан келиб чиқиб, биринчи маънони мўътабарроқ, деб айтган.

Манба: hadis.islom.uz



